# 100-ТЎЛОВ-ШАРТНОМА

**Тошкент ш.** **«24» январь 2022 йил**

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **«МАЪРИФАТ» — «УЧИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА»** газеталари (келгусида **«Бажарувчи»** деб аталади) номидан **Бош муҳаррир Ҳусан НИШОНОВ** ва ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Педагогик инноватсиялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (келгусида «Буюртмачи»** деб, аталади) томонидан **Директор Зайниддин ХУДАЙБЕРДИЕВ** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари доирасида ушбу шартномани қуйидаги мазмунда имзоладилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартноманинг амалдаги бандларига асосан **«Бажарувчи» — «Маърифат»-«Учитель Узбекистана»** газеталари саҳифаларида **«Буюртмачи»** фаолияти ҳақидаги реклама ва эълонларни, мақолаларни чоп этиш мажбуриятини олади.

1.2 **.«Буюртмачи»** томонларнинг ўзаро келишувига асосан **«Бажарувчи»**га ҳомийлик ёрдами кўрсатади (керагини тагига чизилади).

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. «Буюртмачи» мажбурияти:**

2.2. **«Буюртмачи» «Бажарувчи»** белгилаган муддатда, газета оқ-қора тасвирда чоп этилишига олти календар куни қолгунича, газета рангли тасвирда чоп этилганда йигирма календар куни қолгунича (агар шартномада бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса) чоп этилажак реклама-эълонга ва бошқа материалларга оид матнларни тўлов кафолат хатини компьютер ёки ёзув машинкасида ёзилган ҳолда корхона-ташкилотнинг раҳбари, бош ҳисобчиси имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда **«Бажарувчи»**га тақдим этади.

2.3. **«Буюртмачи» «Бажарувчи»**га ишга оид шартномага кўра, шартнома умумий суммасининг **30 фоизини *шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигида рўйхатга олингандан сўнг, 5 банк куни ичида олдиндан тўлайди. Қолган 70 фоизини эса буюртма бажарилган кундан кейин 5 банк куни ичида тўлайди.***

2.4 **«Бажарувчи» «Буюртмачи»**га чоп этиладиган маҳсулот хусусида олдиндан хабар қилади. **«Буюртмачи»** киритган тузатишларни ҳисобга олади.

2.5. **«Буюртмачи»**нинг реклама-эълонлари ва тегишли материаллари қуйидаги тартибда баҳоланади.

| Кўрсатиладиган хизмат тури | Ўлчов ирлиги | Ўлчов баҳоси | Нашр миқдори | Ўлчовнинг умумий миқдори ва баҳоси | ҚҚС | Умумий сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Эълон чоп этиш учун | См.кв | 1800сўм | 400 см.кв. | 400 см.кв. 720 000сўм | 15% 108000 | 828 000 сўм |
| «Бажарувчи»га тўланадиган умумий сумма (ҚҚС) билан | *САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА САККИЗ МИНГ СЎМ* | | | | | |

## 3. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Шартнома томонлар ўзаро имзолаган кундан бошлаб кучга киради, томонлар мажбуриятлари 2022 йилнинг 31 декабригача ҳақиқий ҳисобланади.

3.2. Томонлардан бири ушбу шартномага зид ҳаракат қилган тақдирда ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари доирасида жавобгар бўладилар.

3.3. **«Буюртмачи»** ишга оид суммани **«Бажарувчи»**га белгиланган муддатда тўламаган тақдирда, **«Бажарувчи»** эса тегишли материаллар, реклама-эълонларни ўз вақтида чоп этмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир банк куни учун шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 0,4 % миқдорида жарима тўлайдилар. Ушбу жарима миқдори шартнома умумий суммасининг 50 %идан ошмаслиги шарт.

## 4. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

4.1. Томонлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари доирасида ҳал қилинади.

4.2. **«Бажарувчи» «Буюртмачи»** тақдим этган реклама-эълонлар матнидаги хато ва камчиликларга жавобгар бўлмайди.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ

**5.1. «Бажарувчи» «Маърифат» - «Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти, Тошкент ш. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Ипотекабанк» АТИБ Ў/Р 20210000900101728001 Меҳнат бўлими, Тошкент ш. МФО 00423 INN 201363018.**

**Тел: 233-56-00, факс 233-42-92**

**5.2.«Буюртмачи»**______________________________

**«Буюртмачи» номидан**

Педагогик инновациялар институти

Х/Р 23402000300100001010 ИНН: 202548426

л/с 400110860262807096200079002

Банк: ХККМ МБ. Б.Б ОКОНХ: 92110

З. Худайбердиев

М.

**«Бажарувчи» номидан**

**Бош муҳаррир:** **Ҳ.НИШОНОВ**

**М.Ў.**

Юрист:

O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

OMMAVIY AXBOROT VOSITASI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

№ 0067

Nomi "Ma'rifat"

Tarqatish shakli газета
*(gazeta, jurnal va boshqalar)*

Til(lar)i ўзбек

Muassis(lar)i Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси

Ixtisoslashuvi Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълими тизимига мўлжалланган бўлиб, соҳага оид муаммоларни илмий, амалий ечимларини топишда кўмаклашиш

Tahririyat manzili 100083, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси 32 уй

Tarqatish hududi Республика бўйича

Berilgan sanasi 22. 12. 2006й.

Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ rahbari B. Sh. ALIMOV

O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

Ushbu guvohnoma «Ommaviy axborot vositalari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq berilgan.

O'zbekiston Respublikasining ommaviy axborot vositalari to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzish O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga muvofiq jinoiy, ma'muriy, intizomiy va boshqa javobgarlikka sabab bo'ladi.

«O'zbekiston» NMIU P-2566-2000-2006 y.